

INDEKS 1072



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



ISSN 2010-6246



9 772010 624002

2020-6

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

6.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

(Лизнинг Динга турмушга чиқиш борасида умидлари осмон эди. Аммо бошқа аёл билан қочиб кетганидан сўнг, шунчаки уни лақиллатиб юрганини англади).

Кўкка кўтармоқ, осмонга кўтармоқ, оғзидан бол томиб гапирмоқ инглиз тилида *sing someone's praises* ибораси қиёфасида ўз муқобилини топади ва бунда бирор шахсга хос хислатлар ёки амаллар улуғланиши англашилади.

Our manager has been singing the new developer's praises. I hope they are up to the job!

(Менежеримиз янги илғорларни оғзидан бол томиб гапиряпти. Умид қиламанки, улар меҳнатлари ила буни кўрсатишади).

“Совет қизларини осмонга кўтарсанг, арзийди. Қийин вақтларда тер ҳам тўқди, қон ҳам...” – деди Собир (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар).

Lift someone's spirits тилимизда кўнглини кўтармоқ, кўнглини олмоқ вариантларига эга.

The purpose of this charity is to lift children's spirits this holiday season.

Хайриядан кутилаётган мақсад – байрам мавсумида болажонларнинг кўнглини кўтариш).

Чоллар, кампирлар аҳволини суриштирди, илиқ сўзи, моддий ёрдами билан уларнинг кўнглини кўтарди (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар).

Snap the thread (яъни ипни узмоқ) лукма ташламоқ тарзида шарҳланади.

“...раис ахборот берар экан, пастдан лукма ташлаб, унинг гапини гапига қовуштиришмади (Саид Аҳмад. Ҳодивой).

Нари-берига бормоқ, ади-бади айтишмоқ каби низолашиш ва ё тортишиш маъносини берувчи бу иборалар инглиз тилида *cross swords* алтернативаси билан изоҳланади.

Gloria loved an argument and was looking forward to crossing swords with Sally.

(Глорияга низолар ёқарди ва у Селли билан ада-бади айтишишга имкон изларди).

У раис билан биринчи учрашишдаёқ нари-бери бориб қолишига кўзи етди (Ҳ.Нуъмон. Ёшликда берган кўнгил).

Beat around the bush кундалик инглиз тилида жуда кўп қўлланиб, ўзбек тилидаги гапни айлантирмоққа яхши муқобил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқий фаолият иборалари юқори муносиблик кўрсаткичига эга эмас ва бу уларнинг турли тиллар оилаларига мансублиги билан тушунтирилади. Бу сўзловчи ҳамда таржимондан лингвистик билимдан ташқари, ўзгача сезгирлик, сўзамоллик ва ижодкорликни талаб қилади.

Жумаев Эркин (БухДУ)

-(А)Р ЭКАН ШАКЛИ ВА ЎЗЛАШТИРМА БУЙРУҚ

Аннотация. Мақолада коммуникатив мақсад маъносининг бир кўриниши бўлган ўзлаштирама буйруқ узвли ва матний таҳлил қилинади. Таҳлил учун бадиий адабиётдан танлаб олинган микроматнлар асосида -(а)р экан шаклининг ўзига хос хусусиятини тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилинади.

Аннотация. В статье подвергается компонентному и текстовому анализу одна из разновидностей коммуникативного значения – косвенное побуждение. Предпринимается попытка к более полному раскрытию особенностей формы на -(а)р экан на основе микротекстов, взятых из художественной литературы.

Annotation. The article undergoes component and text analysis of one of the varieties of communicative meaning, that is, indirect motivation. An attempt is being made to more fully disclose the features of the form “-(a)r ekan” based on micro texts taken from fiction.

Калим сўзлар: узвли (компонент) ва контекстуал таҳлил, матний таҳлил, микроматн, ўзлаштирама буйруқ, бевосита ва билвосита буйруқ, буйруқ қаратилган шахс, нутқий амал ўрни ва вазияти, пропозиция, макропропозиция, коммуникатив мақсад маъноси.

Ключевые слова: компонентный и контекстуальный анализ, текстовый анализ, микро-текст, косвенное побуждение, непосредственное и опосредствованное побуждение, лицо, указывающее на побуждение, место и ситуация речевого акта, пропозиция, макропропозиция, значение коммуникативной целиустановки.

Key words: component and contextual analysis, text analysis, microtext, indirect motivation, direct and indirect motivation, person indicating the motivation, place and situation of the speech act, proposition, macroposition, meaning of communicative purpose.

Ушбу шаклнинг хусусияти, дастлаб, *таъсирий усулга* асосланиб ўрганилади.¹ Сўнгра унинг тузилиши, мазмуни ва синтактик хусусияти ҳамда шу хусусиятнинг қисман ўзгариши *узвли (компонент) ва контекстуал таҳлилга* асосланиб баён қилинади. Бунда контекст(гап) ҳажми ва *-(а)р экан* шакли билан муносабатига кўра турларга ажратилади. Таҳлил шаклнинг мазмуни таркибидаги маънолар қулай контекстда намоён бўлиб шаклан мустақил гап ҳосил бўлади дейишга имкон беради. *-(а)р экан* шаклининг маъноларидан бири *ўзлаштирмалик (эшитилганлик)* деб номланади. Контекстдаги қулайликка қараб бу маъно *ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ* ва *ўзлаштирма сўроқ* кўринишида намоён бўлиши кўрсатилади. Ўзлаштирмалик замирида эшитилганлик ётганидан фикри, буйруғи баён қилинадиган шахс *хабар манбаи* деб аталиб унинг қандай ифодаланишига алоҳида эътибор берилади.² Контекст (гап) ноқулай бўлганда мазкур маънолардан айрими ўзгариб *-(а)р экан* шакли ўзига хос бўлмаган маъно ифодалаш учун қўлланади. Бундай ҳолда, кўпинча, бирор шакл ёки бирикма билан нутқий маънодошлик ҳосил бўлади.³

2018 йилда нашр этилган “Рух ва тил” номли монографияда *-(а)р экан* шакли майл ва замон категориялари таркибига киритилади. Унинг тузилиши, мазмуни ва синтактик хусусияти кенгроқ таҳлил қилинади. Жумладан, бу шаклда кўшимча ва тўлиқсиз феъл бешта категория кўрсаткичи вазифасини бажариши айтилади.⁴ *Ўзлаштирма хабар* учала шахсда ҳам ифодаланса, *ўзлаштирма буйруқ* кўпроқ II шахсда намоён бўлади; *ўзлаштирма сўроқ* гапда эса бу шакл, асосан, III шахсда қўлланади, деб ёзилади.⁵

Ушбу мақолада *-(а)р экан* шаклининг *ўзлаштирма буйруқ* маъноси ва синтактик хусусиятини узвли ҳамда матний таҳлил асосида қисқача баён қиламиз. Ўзлаштирма буйруқ ифодаланишига учала шахс ҳам дахлдор. I шахс нутқий амалда сўзловчи сифатида буйруқни II шахсга етказди, яъни *воситачи* вазифасини бажаради. II шахс *-(а)р экан* шаклидаги иш-ҳаракатнинг эгаси (субъекти) бўлиб, нутқий амалда тингловчи сифатида иштирок этади. Буйруқ шу шахсга қаратилган бўлиб, у буйруқни бажаришга ундалади. III шахс нутқий амалда иштирок этмайди, у буйруқ манбаи, яъни буйруқ берувчи вазифасини бажаради. Муайян нутқий амалда сўзловчи сифатида тингловчига ўзга шахсга қаратилган хоҳиш-иродаси (буйруғи)ни баён қилади. Тингловчи кейинги нутқий амаллардан бирида сўзловчига айланиб, унинг буйруғини суҳбатдошига етказди. Кўринадик, *ўзлаштирма буйруқ*нинг ифодаланиши мураккаб жараён бўлиб, иккита нутқий амалда рўёбга чиқади. Унинг, кўпинча, битта гап доирасида тўлиқ намоён бўлмаслиги шу билан изоҳланади. Шунга кўра, уни битта гап доирасида олиб қараш етарли бўлмайди: *–Чеховнинг учинчи томини бераркансан* (Ш.Холмиров, Ўн саккизга кирмаган ким бор). Бу мисол тўрт сўзли гапдан иборат бўлиб, *-(а)р экан* шакли II шахс бирликда қўлланган. Тўлиқсиз феъл қисқарган шакл (*қан*)да келган. Буйруқ қаратилган шахс кўшимча (*-сан*) билан ифодаланган. Шунинг ўзидан сўзловчи тингловчига III (ўзга) шахснинг буйруғини етказаётганлиги англашилади. Аммо буйруқ қаратилган шахс фақат кўшимча билан ифодаланганидан аниқ, равшан эмас. Сўзловчи ва ўзга шахс (буйруқ берувчи)ни кўрсатиш учун на кўшимча на сўз ишлатилмаган. Бу ушбу гап синтактик жиҳатдан тугал, яъни предикативлик тўлиқ ифодаланган бўлса ҳам мазмунан нотугал эканлигидан далолат беради. *Ўзлаштирма буйруқ* тўлиқ бўлиши учун бошқа гапларга, аниқроғи, микроматннинг олдинги қисмига мурожаат қилишга тўғри келади. Микроматн Тилов билан хотини Умиданинг кинодан қайтиб келётгани ҳақидаги хабар билан бошланади. Уйга келиб айвонга кўтарилаётганда Умида эрига Жамшиддан сўранг, Чеховни берсин, учинчи томини, дейди. Тилов укаси Жамшидга хотинининг буйруғини ўзлаштириб етказди, яъни кесимдаги *-син* кўшимчасини тўлиқсиз феъл билан алмаштиради. Бошқача айтганда, Тилов укасига хотинининг билвосита буйруғи (*берсин*)ни ўзлаштириб

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, “Фан”, 1957, 456 – 457-бетлар; Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл. Т., “Фан”, 1970, 185–210-бетлар; Ҳожиёв А. Феъл. Тошкент, “Фан”, 1973, 71 – 73-бетлар; Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология, Т., “Фан”, 1975, 433 – 435-бетлар; Ҳозирги ўзбек адабий тили. I том. Фонетика, лексикология, морфология. Тошкент, “Фан”, 1966, 321-бет; Ҳозирги ўзбек адабий тили. Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1980, 397-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 364-бет.

² Истиқлол ва она тили таълими (тўплам). Тошкент, “Фан”, 2000, 78-бет.

³ Мазкур тўплам, 84-88-бетлар.

⁴ Зикриллаев Ф. Рух ва тил. Тошкент, “Фан”, 2018, 141-бет.

⁵ Мазкур монография. 142–144-бетлар.

баён қилади. Ана шуларни инобатга олгандан кейингина, *ўзлаштирма буйруқ* ҳақидаги ахборот тўлиқ бўлди, дея оламиз.

*Ўзлаштирма буйруқ*нинг ифодаланиши контекстуал таҳлил қилинганда тадқиқотчи битта гап билан чегараланиши мумкин:¹ *Умматали амаки тез уйга бораркансиз* (С.Аҳмад. Уфқ). Ушбу гапда буйруқ қаратилган шахс (тингловчи) ҳам, қўшимча (-сиз) ҳам атоқли от (*Умматали*) билан ифодаланганидан ойдинлашиб таъкидланган. Замонни кўрсатиш мақсадида грамматик восита (замон шакли) ва сўз (*тезда*) ишлатилгани учун келаси замон маъноси бир қадар ойдинлашган. Аммо буйруқ манбаи, ўрни ҳамда сўзловчи ифодаланмай тежалган. *Ўзлаштирма буйруқ*нинг тўла бўлиши учун микромаатннинг ушбу қисми етарли эмас экан.

*Ўзлаштирма буйруқ*нинг тўлиқ бўлиши учун иккита гап ҳам камлик қилиши мумкин: *Ҳали лицейдаги устозинг келиб-кетувди. Эртага бораркансан* (Т.Малик. Талваса). Биринчи гапда тингловчи лицейда ўқиши, унинг ўқитувчиси келиб кетгани, сўзловчи унинг таниши, иш-ҳаракат нутқий амалдан бироз олдин (*ҳали*) рўй бергани ихчам ва равон ифодаланган. Бу гапнинг зоҳирий жиҳатдан ифодаси. Мазмунан гапдаги иш-ҳаракат субъекти (*ўқитувчи*) буйруқ берувчи. Ёзувчи ўқувчидан сир тутгандек, нутқ феълени қўлламайди. Бу эса хабарнинг давоми борлигига ишора қилиб, ўқувчининг диққатини тортади. Сўнгра ўқитувчининг буйруғи, аниқроғи, билвосита буйруқ (*борсин*)ни атиги иккита сўз билан ўзлаштириб баён қилади. Иккинчи сўзнинг ўзаги (*бор*) ва қўшимча (-ар) келаси замон маъносини англатади биринчи сўз (*эртага*) эса уни ойдинлаштиради. Тўлиқсиз феъл қисқа шакл (*кан*)да буйруқнинг ўзлаштирилганлигини таъминлайди. Бошқа қўшимча (-сан) буйруқ қаратилган шахсни билдиради-ю унинг айнан ким эканлигини кўрсата олмайди. Худди шунингдек, сўзловчи ва тингловчининг айнан ким эканлиги, уларнинг ижтимоий вазифаси (социал роли), нутқий амал ўрни, вазияти каби жиҳатлар аниқ эмаслигидан таҳлилни давом эттириш зарурлиги англашилади. Микромаатндаги бошқа гаплардан ушбу ўзлаштирма хабар она-бола суҳбатидан эканлиги, тингловчининг исми Асрор, сўзловчи унинг онаси Мунира, суҳбат ўрни уларнинг уйи эканлиги маълум бўлади. Нутқий амалда Асрорнинг отаси ҳам иштирок этади. Нутқий амал осойишта вазиятда кечмайди. Буйруқ онасини хурсанд қилса, Асрор, аксинча, хафа бўлади, отаси унга ғазаб билан қараб, юзини тесқари буради. Булар, бир жиҳатдан, микромаатннинг тугамаганлигини кўрсатса, бошқа жиҳатдан, ахборотнинг давомидан хабардор бўлишга ўқувчининг қизиқишини орттиради ва ҳоказо.

Контекстуал таҳлилда микромаатннинг ҳажман каттароқ қисми олиб қаралиши мумкин. Қуйидаги мисол учта гапдан иборат: *Гапга раиснинг шофёри аралашиди: хўжайин тайинлаб юбордилар. Тутзордаги ерни берар экансиз, тажрибага* (Ў.Усмонов. Гирдоб). Мисолдаги ахборот иккита нутқий амалда воқеланган. Биринчиси иккинчи гапдан англашилади. Унда буйруқ берувчи (*хўжайин*) ва унинг иродаси ҳақида маълумот бор. Кесим буйруқ берувчининг иродаси қатъийлигини англатади. Биринчи гапда буйруқ берувчининг ижтимоий вазифаси (раис эканлиги), иккинчи нутқий амалдаги сўзловчи ва унинг ижтимоий вазифаси (*шофёрлиги*), нутқий амалда бошқа шахс(лар) ҳам иштирок этаётганлиги луғавий восита (*гапга*) билан ифодаланган. Бу сўз айна пайтда микромаатннинг олдинги қисми билан алоқадорликни кўрсатиш учун хизмат қилади. Учинчи гапда сўзловчи (*шофёр*) тингловчига ўзга шахс (*раис*)нинг буйруғини (*экан* воситасида) ўзлаштириб баён қилади. Нутқий мақсаду вазифага қараб ўзлаштирма буйруқни билвосита буйруқ билан алмаштирса бўлади (*...албатта берсин дедиларкаби*). Тингловчи қўшимча (-сиз) билан ифодаланганидан аниқ эмас. Уни аниқлаш учун микромаатннинг бошқа қисмига мурожаат қилишга тўғри келади.

Матний таҳлилга риоя қилинадиган бўлса, мисол тариқасида *ўзлаштирма буйруқ*нинг ифодаланиши учун зарур бўлган иккала нутқий амални олиб қарашга тўғри келади. Жумладан, *Икки эшик ораси* номли макроматндаги.² *Суюнчи беринг, ойим ўғил тугдилар!* деб сарлавҳа қўйилган микромаатнда биринчи нутқий амалнинг ўзлаштирма буйруққа дахлдор қисми шундай: *–Дадангни чақир. Айт, Лазакат холангни топиб келсин. Дарров!* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси). Бу мисолда бевосита ва билвосита буйруқ ифодаланган. Бевосита буйруқ II шахсга қаратилган бўлиб, феълнинг ўзаги (*чақир, айт*)дан англашилади, сўз (олмош ёки от) тежалган. Ўзга шахс турдош от (*дада*) билан ифодаланган. Билвосита буйруқ намоён бўлган жумлада атоқли ва турдош от (*Лазакат холангни*) қўлланганидан ўзга шахс аниқ, равшан. Биринчи гапда от (*даданг*) орқали, бу гапда қў-

¹ Истиқлол ва она тили таълими (тўплам). Тошкент, “Фан”, 2000, 82-бет; Зикриллаев Ф. Рух ва тил. Тошкент, “Фан”, 2018, 144-бет.

² Ўтқир Ҳошимовнинг романи назарда тутилган.

шимча (-син) билан ифодаланганидан буйруқ қаратилган шахс ҳам аниқ. Фақат сўзловчи лисоний восита билан ифодаланмай тежалган. Чунки у тингловчининг “қора аммаси” эканлиги ўқувчига микроматннинг олдинги қисмидан маълум. Тингловчининг кичкинтой Музаффар эканлиги микроматн бошидаёқ айtilган (188-бет). Бундан ташқари, биринчи гапдан олдинги чизиқ нутқнинг кўчирилганини, охири гапдан кейинги ундов белгиси баённинг ҳиссийлигини, ундан кейин тежалган нутқ феъли (*деди*) эса жумланинг *кўчирма буйруқ* эканлигини билдиради.

Иккинчи нутқий амалда иштирокчиларнинг вазифаси қисман ўзгаради. Тингловчи сўзловчига, буйруқ қаратилган шахс, яъни буйруқни бажарувчи (*дадаси*) тингловчига айланади. Ўзга шахс (*Лазакат хола*)нинг синтактик вазифаси ўзгармайди: *Жон ҳолатда бақриб юбордим:*

–*Дада! Ойим касал бўп қолдилар! Лазакат холани чақираркансиз!* (Ў.Умарбеков. Икки эшик ораси). Биринчи гапда сўзловчининг ҳис-туйғуси луғавий воситалар орқали юқори даражада ифодаланган. Иккинчи гапда ҳам баён ҳиссий, ифода воситаси оҳанг (ёзувда ундов белгиси). Айни пайтда, бу гапда сўзловчининг ўз фикри (бевосита кузатилган хабар) воқеланган. Учинчи гапда эса биринчи нутқий амалдаги билвосита буйруқ ўзлаштириб баён қилинган. Сўзловчи бола бўлганидан ҳис-ҳаяжонини босолмайди. Шу боис ушбу гапда ҳам фикр ҳис-туйғу билан йўғрилган. Боз устига, ёзувчи боланинг нутқига хос сўз қўллаб, тежамкорликка риоя қилади (*бўп, кан*). Натижада ўзлаштира буйруқ равон ифодаланиб, ўқувчига етиб бориши тўла таъминланади.

Нутқий вазият осойишта бўлса қўлланадиган сўзлар ҳам гап ҳажми ҳам, оҳанг ҳам шунга мос бўлади: *Расул Оллоёрович айтдилар: Эртага ишга тушар экансиз* (Ў.Усмонов. Гирдоб). Иккала гап ҳам зоҳиран, синтактик жиҳатдан содда, мустақил (кесимда предикативлик тўлиқ ифодасини топган), ноҳиссий. Мазмунан ўзаро узвий боғланган (икки нуқта шуни кўрсатади). Ҳар қайси гап алоҳида нутқий амалда баён қилинган. Биринчи нутқий амалда сўзловчи (биринчи гап эгаси) иккинчи нутқий амалдаги сўзловчига (лисоний восита билан ифодаланмаган) иккинчи гапда назарда тутилган фикр (пропозиция)ни билвосита буйруқ (*ишга тушсин*) тарзида буйруқ қаратилган шахсга етказ (*айт*), дейди. Иккинчи нутқий амалда сўзловчи шуни иккита гап воситасида тингловчига етказди. Биринчи гапда бевосита буйруқ (*айт*)ни сўзловчи ўзи бевосита кузатган хабар (*айтдилар*) шаклида баён қилади. Иккинчи гапда билвосита буйруқни ўзлаштириб етказди. Аниқроқ айтганда, билвосита буйруқдаги *-син* кўшимчасини *экан* тўлиқсиз феъли билан алмаштиради. Ўзлаштира буйруқнинг вақти зарур бўлганидан иккинчи гап бошида пайт равиши қўланади. Бу билан замон маъноси таъкидланади. Айни пайтда, воситачи (сўзловчи), буйруқ қаратилган шахс (тингловчи) ва буйруқ ўрни лисоний восита билан ифодаланмаган. Мазкур мисол контекстуал таҳлил қилинганидан *ўзлаштира буйруққа* дахлдор ушбу жиҳатларга эътибор берилмаган. Матний таҳлилда булар, албатта, инобатга олинади.

Юқорида олиб қаралган микроматнларда сўзловчи тингловчига буйруқни ўзи етказди. Айрим микроматнда буйруқни етказишда техник воситадан фойдаланилади. Жумладан *Талваса* номли макро-матндаги микроматнлардан бирида шундай: *Лицейдаги устозинг қўнғироқ қилувди. Оти Маҳкаммиди? Иложи бўлса, бугун учрашаркансан* (Т.Малик. Талваса). Учала гап ҳам микроматн таркибида кетма-кет келган бўлиб иккита нутқий амалда баён қилинган. Биринчи нутқий амалда сўзловчи тингловчига телефон орқали мурожаат қилгани ҳақидаги хабар ифодаланган. Сўзловчи ўзга (Ш) шахснинг устози, оти Маҳкам. Тингловчи лисоний восита билан ифодаланмай назарда тутилган. Иккинчи нутқий амалда уларнинг вазифаси ўзгаради. Биринчи нутқий амалдаги тингловчи сўзловчи вазифасини бажаради. Биринчи нутқий амалда айtilган, аммо ифодаланмаган билвосита буйруқ (*келсин*)ни сўзловчи тўлиқсиз феълнинг қисқарган шакли (*кан*) ёрдамида ўзлаштириб баён қилади. Тингловчи кўшимча (*-сан*) билан ифодаланган. Сўзловчи ва буйруқ берувчи лисоний восита билан ифодаланмай тежалган.

Назарда тутилган ёки кўшимча билан ифодаланган нутқий амал иштирокчиларини аниқлаш учун микроматннинг бошқа қисмларига мурожаат қилишга тўғри келади. Эгалик ва кесимлик кўшимчаси (*-инг, -сан*) билан ифодаланган тингловчи (буйруқни бажарувчи, буйруқ қаратилган шахс) микроматннинг биринчи гапидан Асрор, иккинчи нутқий амалдаги сўзловчи Асрорнинг онаси Мунира эканлиги кейинги гаплардан маълум бўлади. Микроматнда ўзлаштира буйруққа дахлдор яна учта шахс тасвирланган. Буларнинг бири Асрорнинг лицейдоши Қамариддин (Қамар) исмли бола. Муаллиф уни *қора шайтон* деб атайди. Иккинчиси бошқа нутқий амалда ўзга шахс вазифасида келган Асрорнинг акаси Маҳкам. Учинчиси Асрорнинг отаси, муаллиф уни *оқ шайтон* дейди. Микроматнда ёзувчи Асрорнинг лицейдаги устозини илмнинг азобли йўлида дам олиш нима, дабдабали ҳаёт нима билмай тинимсиз меҳнат қиладиган зиёли сифатида тасвирлайди. Микроматн

қуйидаги жумлалар билан яқунланади. Фақат, аввал, оқ шайтон, сўнг, қора шайтон қулига айланган йигитча кўчада ҳиссиз равишда кетиб боряпти... Кўп нуқта кейинги микроматнлар билан алоқадорлигини билдиради, яъни мавзу тугамаганлигига ишора қилади. Микроматннинг умумий мазмуни, мазмуний ядроси, аниқроқ қилиб айтганда, мантикий мазмуни, яъни макропропозицияси¹ унда қўлланган жумлалар пропозициясидан шаклланади. Уни *оила ва мактабда* бола таълим-тарбияси деб атаса бўлади.

Нутқий мақсад ва вазифага қараб айрим микроматннинг *ўзлаштирма буйруқ* ва унга алоқадор сўзловчининг ўз нутқи ҳамда ўзга нутқдан таркиб топган бўлади. Бундай ҳолда коммуникатив мақсад маъноси икки ёки уч кўринишда воқеланади. Бошқача айтганда, ўзлаштирма буйруқ бевосита хабар, бевосита ёки бевосита сўроқ билан бирга намоён бўлиб, *-(а)р экан* буйруқ шакли мазкур маъноларни ифодаловчи шакллар билан бирга қўлланади: *Сен Чиноқ полвоннинг олдига бор. Мудир бобом айтди, совлиқни бераркансиз де, беради* (Ш.Холмирзаев. Оқ отли). Бу мисолда *ўзлаштирма буйруқ* *-(а)р экан* шакли билан, *бевосита буйруқ* феълнинг ўзаги (*бор, де*) воситасида икки марта, *бевосита хабар* ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакли (*-ди, -ади*) орқали икки марта ифодаланган. Нутқий амал иккита. Биринчиси битта гапдан иборат. Унда иш-ҳаракат ўтган замонга оид. Сўзловчи қўшимча (*-ди*) ва иккита от (мудир бобом) билан ифодаланганидан аниқ. Айни пайтда, у бевосита буйруқ манбаи (буйруқ берувчи). Иккинчи нутқий амал тўртта содда гапдан таркиб топган. Биринчи гап бевосита буйруқ ифодалайди. Буйруқ қаратилган шахс (тингловчи) феълнинг ўзаги (*бор*) ва кишилиқ олмоши (*сен*)дан англашилади. Ўзга шахс иккита от билан ифодаланганидан аниқ. Учинчи гапда *-(а)р экан* шакли орқали II шахсга қаратилган *ўзлаштирма буйруқ* намоён бўлган. Охирги икки феъллий гап бир сўзли (*да, беради*). Биринчисида бевосита буйруқ, иккинчисида бевосита хабар ифодаланган. Мисолда фақат тингловчининг айнан ким эканлиги аниқ эмас. Шунинг учун микроматннинг бошқа қисмига мурожаат қилишга тўғри келади. Унинг Шерзод эканлиги иккита олдинги гапдан маълум бўлади.

Нутқий мақсаду вазифага қараб *коммуникатив мақсад* маъноси турларининг ўрни ўзгариши мумкин: *–Бир кило зигирёғ берар экансиз, дейсиз. Отам айтдилар, дейсиз...* (Ш.Холмирзаев. Йўллар, йўлдошлар). Кўриниб турибдики, аввал, *ўзлаштирма буйруқ*, кейин, бевосита буйруқ ва бевосита хабар, ниҳоят, яна бевосита буйруқ келган. Мисол микроматннинг ота, она ва бола суҳбатидан бир парчаси. Нутқий амал битта, иккинчиси келаси замонда рўй беради. Суҳбат ўрни ифодаланмаган. Тингловчи, сўзловчи, ўзга шахснинг айнан ким эканлиги маълум эмас. Сабаби шуки, микроматннинг биринчи гапидан тингловчи (буйруқ қаратилган шахс)нинг исми Ўсал эканлиги ўқувчига маълум. Сўзловчи унинг отаси Ашим ака эканлиги олдинги гаплардан аён. Ўзга шахснинг Одил жувозгарлигидан ҳам ўқувчи хабардор. Шу боис улар тежалган. Аксинча, тингловчи бола бўлгани учун унутмасин деб сўзловчи (отаси) буйруқни билвосита ва бевосита такрорлайди. Бундан муаллифнинг мақсади буйруқни таъкидлаш бўлгани англашилади.

Суҳбат онаю қиз ўртасида бўлиб, буйруқ таъкидланганда танланадиган сўзлар ҳам гап сони, ҳажми, оҳанги ҳам бошқача бўлиши мумкин: *Пешиндан кейин ойим қўлимга бир кийимлик атлас тутқазиб тайинлади: –Бор, қизим! Холтош холанга обор.*”*Ойим айтдилар, менга кўкрак бурма кўйлак тикиб бераркансиз”, дегин* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси). Таъкид такрор орқали ифодаланмоқда. Она қизига *тайинлайди, бор, обор, тикиб бераркансиз дегин* деб айт, дейди. Онаси қизига бевосита ва *ўзлаштирма буйруқ* бериш билан бирга уни ўз меҳри билан йўғиради. Муаллиф томонидан айнан шу назарда тутилганини ҳар қандай ўқувчи пайқаб олади.

Микроматннинг битта қисмида *ўзлаштирма буйруқ*, бевосита буйруқ, зоҳиран дарак (хабар), мазмунан *бевосита буйруқ* билан *бевосита сўроқ* ҳам келиши мумкин:– *Сенам ойингга айт, болам. Оқсоқол бувам тайинладилар. Башорат опангиздан хабар оларкансиз дегин, уқдингми?* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси). Сўроқ гап бир сўзли, қўшимча (*-ми*) билан ясалган, савол II шахс бирликка қаратилган. Мазмунан сўзловчининг мақсади тингловчидан нутқий амалда баён қилинган бевосита ва *ўзлаштирма буйруқ*нинг барчасини уққани, яъни қулоғига қуйганлигини билмоқчи. Шунинг учун сўроқ гап охирги ўринда келган. Бошқа жиҳатдан сўроқ гап ахборотни давом эттиришни тақозо этади, яъни микроматннинг тугамаганлигига ишора қилади. Айни пайтда, ахборотни таянч хабарга айлантиради. Тингловчидан янги хабар (рема) кутилади. Тингловчининг жавоби шу вазифани бажаради.

¹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Тошкент, “Фан”, 2013.

Танланган тадқиқ усулига кўра амалга оширилган таҳлил ўзбек тили грамматикаси шаклларининг ўзига хос хусусиятини тўлиқроқ ёритиш имконини беради, дея хулоса чиқаришга асос бўлади.

Ахмедов Дилшод Комилжонович (ННТ “Тошкент Француз Альянси”. Директор dilshod.fr@gmail.com)
ЭРКАК ВА АЁЛ ЁЗМА НУТҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақола оилавий муносабатларнинг бир қисми сифатида эркак ва аёл ёзма тилининг хусусиятларини ўрганади. Эркаклар ва аёллар учун журналларга асосланган эркак ва аёл ёзма тилининг қиёсий таҳлилинини ўз ичига олади.

Аннотация. Данная статья исследует особенности мужской и женской письменной речи в рамках семейного общения. Содержит сравнительный анализ мужской и женской письменной речи, произведенный на основе журналов для мужчин и женщин.

Annotation. This article explores the characteristics of male and female written language as part of family communication. It contains a comparative analysis of male and female written language, based on magazines for men and women.

Калим сўзлар: биологик, ижтимоий, инсонпарвар, овозли, ҳиссий, ундов, сўроқ, камайтирувчи қўшимчалар, оҳанг, эпитет.

Ключевые слова: биологический, социальный, гуманный, голос, эмоциональный, восклицательный, вопросительный, уменьшительно-ласкательные суффиксы, оттеночный, эпитет.

Key words: biological, social, humane, voice, emotional, exclamation, interrogative, diminutive-affectionate suffixes, tone, epithet.

Ҳозирга қадар дунёнинг барча халқларида тилнинг эркак ва аёлга бўлиниши излари мавжуд. Албатта, уларнинг орасидаги фарқлар соф биологикдир, агар аёл овози эркакникига қараганда баландроқ бўлса. Бироқ тилшунослар учун (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ижтимоий сабаблар туфайли юзага келадиган фарқлар яна-да қизиқроқ. Сўнгги асрда яшаш шароити ва турмуш тарзи жуда ўзгарганига қарамай, тил жуда секин ўзгариб бормоқда. Бу эффектлар – сезиларли ёки деярли сезилмайди – замонавий жамиятларда ҳам мавжуд. Худди шу тил нафақат турли жойлар аҳолиси, турли касб вакиллари ва турли ёшдаги одамлар томонидан гаплашилади. Маълум бўлишича, эркаклар ва аёллар бошқача сўзлашадилар.

Ушбу мақолада оила доирасидаги эркаклар ва аёлларнинг нутқи муҳокама қилинади. Албатта, ҳақиқий ҳаётда турли хил эркаклар ва турли хил аёллар, ўзларининг ўзига хос одатлари (шу жумладан, нутқ одатлари) мавжудлигини унутмаслигимиз керак, ушбу мақолада биз, асосан, типик эркаклар ва типик аёллар ҳақида гапирамиз.

Эркаклар ва аёллар нутқининг таҳлили шуни кўрсатадики, тилнинг ҳар уч даражасида фарқ бор: грамматик, лексик ва стилистик. Мақолаларни таҳлил қилиб, биз турмуш қурган аёллар ўзларининг хатларида ва мурожаатларида, қоида тариқасида, оилавий муносабатлардан шикоят қилишади, ўзларига ачинишади, ёрдам сўрашади, қийинчиликларни тушуна олмайдиганликларини ва ночорликларини тан олишади, деган хулосага келдик:

“Кулранг ҳаёт, умидсиз, монотон. Қишда, ичимликлар, таътилда камдан-кам меҳмонлар, эҳтимол, кинотеатрда уни олти ойда бир марта кўндираман. Эрим билан мен қачон гаплашганимизни эслай олмайман. Ҳар йили у дангаса, қўпол ва бефарқ бўлиб қолади. Биз, ҳатто турли хоналарда ухлашни бошладик, чунки у деярли ҳар доим маст эди ва энди ҳаётнинг бу томонига қизиқиш йўқ эди. Ва у, умуман, болалар билан шуғулланмайди, болаларнинг ўзлари эса бирон нарсага шошилишади”; “Мен мутлақо адашдим, ҳеч нарсага тушунмаяпман”; “Энди нима?” Нега яшаш керак?”; «Мен унга қарам эдим. Ота-онамга қилган сафаримни бекор қилдим ва у учун маърузаларни қолдирдим». Одатда, эркаклар вазиятни таҳлил қилар эканлар, хотинларини айблашади, маслаҳат беришади ва маслаҳат беришади: “Қаерда? Бунини биз қабул қилмаймиз! Ҳеч бўлмаганда бир-икки кун компьютерни қолдиринг. Табиат бор, биз ўрмонга борамиз. Кўзларингизга дам беринг”; “Тушундимки, агар сизга совгалар берсам, демек, сизни ўзимники деб биламан, тўғрими?”; “Аёлларни тушуниш мумкин эмас, мен бунга юз фоиз ишонардим. Сиз ҳар сафар муҳаббат учун турмуш қурасиз, уни мамнун қилишни, уни фаровон қилишни хоҳлайсиз, аммо ҳар доимгидек шайтон нима билишини биласиз”.

Эгамбердиева Гулноза Абдурахмановна. Ўқув жараёнини баҳолашда PIRLS баҳолаш тизимидан самарали фойдаланиш.....	82
Saidov Ravshan Tursunovich. Ingliz tilini o'qitishda o'qish ko'nikmasini hikoyalar asosida rivojlantirish muammolari.....	85
Курбонов Жасурбек Акмалжонович. Талабаларда замонавий интеллектуал ва инновацион кўникмаларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари.....	87
Назарова Дилдора Асатовна. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларини инклюзив таълим шариоитида фаолият олиб боришга тайёрлаш жиҳатлари.....	91
Туракулов Иброхим Равшанович. Олий таълимда жисмоний тарбия машғулотларининг педагогик мониторинги.....	96
Норбўтаев Хўшбоқ Бобоназарович. Мактаб ўқувчиларида экологик тафаккурни табиий фанлараро алоқадорликда шакллантириш.....	98
Хусайнова Лейла Юнусовна. Методика преподавания иностранных языков с использованием технических средств обучения.....	102
Ереева Садокат, Исроилова Умида, Амонликова Нодира Химматовна. Теоретические аспекты основ эстетических чувств студентов английской филологии.....	105
Рахманова Мамура Шахридиновна. Изучение влияния ролевой игры на успешное усвоение лексического материала: методические аспекты.....	110
Ikromov Amirbek Aminovich. Methods of using Action Games with Didactic Orientation in the Elementary Classes.....	114
Karimova Dilorom Shavkat qizi. The use of Interactive Methods in English Language Teaching.....	117
Ахмедова Муҳайё Тажмимуҳаммадовна. Using Interactive Whiteboard in Teaching English as a Foreign Language at Primary Schools.....	119

ILMIY AXBOROT

Бахтияров Мухторжон. Семантик кўчишларнинг когнитив моҳияти.....	123
Собирова Раънохон. Уй-рўзгор буюмлари номларининг лингвокультурологик табиати.....	125
Karimova Shaxnozaxon Karimovna, Nazarova Gulshod Xodjiyevna. Vaqt ma'nosini ifodalovchi birliklar.....	128
Кошева Дилрабо Худоёровна. Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ фаолияти иборалари, уларнинг эквиваленти ва семантик таҳлили.....	131
Жумаев Эркин. -(а)р экан шакли ва ўзлаштирма буйруқ.....	135
Ахмедов Дилшод Комилжонович. Эркак ва аёл ёзма нутқларининг ўзига хос хусусияти.....	140
Жумаева Барно. Инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиладиган фраземалар таркибидаги лексик-грамматик бирликлар таҳлили.....	142
Сайдалиева Гавҳархон Авазовна. Замонавий тилшуносликда фразеологик синонимларнинг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари.....	146
Masharipova Rohat, Omonboyeva Aziza, Xudayberganov Yodgorbek. Hudhud – komil shayx timsoli.....	148
Жўраева Мадина Абдужалиловна. Абдурахмон жомийнинг “Ал-фавоид уз-зиёиййа” асарида “Қараткич келишигидаги исмлар” таҳлили.....	151
Ўрмонова Нигорахон Мўминовна. Чет тилларга муқаддас китоб таржималари тарихидан.....	154
Samigova Khushnuda Botirovna. Ingliz shifokorlari nutqida ritorikaning qiёсий tadqiqi.....	157
Туробова Садокат. Лексик ва грамматик ҳодисаларнинг қиёсий ўрганилиши.....	159
O'rozov Jumanazar Norqizilovich. O'zbek tilida umumiy ovqatlanish obyektlari nomlarining leksik-semantik tahlili.....	163
Ibaydullayev Temur Gaybullaevich. Libosning funksiyalari va uning o'ziga xos belgilari.....	166
Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna. Ot semantik sistemasida zoonimlarning o'rni.....	170
Бобожонова Шоҳсанам. “Ахлоқ” концептининг тил тизимидаги ўрни.....	173
Toshpo'latova Xusniya Mamayusub qizi. Tarjimada leksik muvofiqlik masalasi.....	175
Каллибекова Гулнара Палбековна. Ахборий жанрлар: тили, мавзуси ва услубий хусусиятлари.....	178
Досбаева Наргиза Турғунпулатовна. Таржима контекстида тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири.....	182
Мухаммедова Нилуфар. Бернард Шоу ижодида образлар турфа хиллиги.....	186
Мухаммедова Хулкар. Инглиз адабиётида аёллар насри Жорж Элиот ижоди мисолида.....	189
Турумова Тамара, Тангрибергенова Гулора. К вопросу о наименовании (назывании) лиц в ря.....	192